

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 43(65870)
1995 йил, 14 ноябрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

БИРГАЛИКДА ХАЛ ҚИЛДИК

Мақтабимиз ўқувчиларининг навбатдаги йиғилиши обун масаласига бағишланди. Кимдир «Тонг юлдузи», кимдир «Гулхан»га, яна кимдир «Гунча»га обун бўлишини айтди.

— Биз турт-беш киши бўлиб «Гулхан» журналини ўқимоқчимиз, — деди мактабдошларимдан бири.
— Қуйсанг-чи, «шеригим қачон ўқиб булар экан?» деб кутиб

утирасанми, менинг анчадан буён «Тонг юлдузи» учун йиғиб юрган пулим бор», — деди бошқаси.

Мен ҳам келгуси йили «Гулхан»жонимиз уз вақтида, яъни мунтазам чиқишини, «Тонг юлдузи» эса ҳафтада икки мартаба, яна суратлари ҳам рангли бўлишини айтдим.

Хуллас, мактабдошларимнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида обун бўлишига биргаликда аҳд қилдик.

Хуршида РАСУЛОВА,

Фаргона вилояти, Кува туманидаги 39-мактаб ўқувчиси.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Беназир Бхутто расмий ташриф билан юртимизга келди.

Қашқадарё вилояти пахтакорлари давлат хирмонига 420 минг тоннадан ортиқ пахта топшириб, йиллик режани адо этишди.

Пойтахтимиздаги «Баҳор» концерт залида Беньков номидаги рассомлик билим юртининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Намангандаги «Тезкор», «Наққош» хусусий фирмалари болалар муассасаларини қишга тайёрлаш, болаларни ўқув қуроллари билан таъминлаш учун 30 минг сўмдан пул ажратдилар.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкентда оналик ва болалик муҳофазасига бағишланган кенгаш утказди.

«Соғлом авлод учун» жамғармасининг Урганчдаги бўлими 3-болалар поликлиникаси дорихонасига 300 минг сўмлик доридармон келтирди.

«Тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройида фаолият олиб бораётган болалар рақс дастасининг «Бахтли болалик уйинлари» деб номланган рақслар гулдастаси томошаси бўлиб утди.

ЯНА БИР ХУШХАБАР

Қарши тумани марказидаги Бешкент шаҳрида физика, математика, ўзбек тили ва адабиёти фанларини чуқур ўрганишга ихтисослашган махсус лицей мактаби ушбу ўқув йилида иш бошлаган эди. Тест синовлари асосида лицейга 90 нафар иқтидорли ўқувчилар қабул қилинди. Билимга чанқок, изланувчан ўғил-қизларга тумандаги малакали муаллим, шунингдек, Қарши Давлат Педагогика олийгоҳининг профессор-ўқитувчилари сабоқ беришпти. Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Айниқса, лицей қошидаги кутубхона болаларининг севимли масканига айланган.

Яқинда муҳарририятимизга ажойиб хушхабар келди: лицейда таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг деярли барчаси севимли газетаси «Тонг юлдузи»га обун бўлишибди.



САХОВАТПЕША ҲОМИЙЛАР

Газетамизнинг утган сонида Сарийосидаги вино заводи директори Буриқул ака Қурбоновнинг ҳиммати ҳақида гапирган эдик. Буриқул ака тумандаги 20-мактабдан 100 нафар ўқувчини «Тонг юлдузи»га обун қилиб берди.

Яқинда биз Сурхондарёдан яна бир саховатпешалар ҳақида хушхабар олдик. Унинг мазмуни қуйидагилардан иборат. Шарғун шаҳридаги 1-иқтидорли болалар лицейида 294 нафар ўқувчи билим ва тарбия олади. Билим даргоҳига ҳомийлик қилиш вазифасини уз зиммаларига олган Денов ижара босмаҳонаси, Шарғун кумир кони, 23-ғишт заводи ва Узун урмончилик хужалиги ходимлари узаро келишиб, 100 нафардан ортиқ талабани «Тонг юлдузи»га обун қилиб беришга аҳдқилишди. «Билим олиш сиздан, ҳиммат кўрсатиш биздан» дейишмоқда саховатпеша ҳомийлар.

«Тонг юлдузи» 1996 йил, 1 январдан бошлаб ҳафтада икки мартаба рангли суратлар билан чиқади. Шунинг учун унинг йиллик обун баҳоси 208 сўм 80 тийин қилиб белгиланди. Олти ойга 104 сўм 40 тийин. Индексимиз: Яқка обуначилар учун 64563, Ташкилотлар учун 64579.

ҲАМИША ҲАМРОҲИМИЗ

Уйга берилган вазифани текшириб, янги мавзунини ўтиб бўлгач, Ақида опа ўқувчиларга мурожаат қилди:

— Қани Илҳомжон, уртоқларингга газетадаги хушхабарлардан ўқиб берчи.

Илҳомжон қулига «Тонг юлдузи» газетасини олди-да, республикадаги тенгдошлари ҳаётига оид қизиқарли мақола ва хабарлардан ўқий бошлади. Илҳомжон эса митти шеър ва ҳикоялар, ичақудди ҳангомалардан ўқиб берди.

Шаҳримиздаги 197-мактабнинг 7-синфида адабиёт дарсида газета ва журналлардан фойдаланиш, янгилик ва хушхабар билан таниша бориш яхши бир анъанага айланган. Бу йил ҳам ўқувчилар ўқитувчилари бошчилигида биринчилар қаторида «Тонг юлдузи»га обун бўлишди.

Д. ОТАМУХАМЕДОВА,
ўқитувчи.





МАЛИКАГА ЎХШАСАМ...

Мақтада байрам тантанаси утказиларди. Шу пайт саҳнага кичкинагина қиз чаққонлик билан чиқди-да, рақс бошлади. Унда қатнашаётган Дилбар опа кичик раққосани синчковлик билан кузатди. Унинг нозик имо-ишоралари, оёқ-қул, гавда ҳаракатларидаги хушбичимлик машҳур «Булбулча» рақс ансамбли раҳбарининг меҳрини тортди.

— Қизим, қайси раққосани яхши кўрасан? — қизалоқни кучиб суради Дилбар опа.

— Малика Аҳмедовани яхши кўраман, унга ўхшагим келади.

Қизгинанинг сузларидаги самимийлик, тўғрилиқ, санъатга, санъаткорга чин ҳавас Дилбар опага маъқул тушди. Ва ушбу суҳбат Дилдора Исмоилованинг «Булбулча» рақс ансамблига қабул қилинишига туртки бўлди.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги 287-мактаб ўқувчиси Д. Исмоилова мана бир неча йилдан буён Дилбар Абдуллоева раҳбарлигида рақс санъати сирларини ўрганиб келяпти.

«Дилдора, сен янги-янги уйинлар ургангин, санъаткор учун бу жуда муҳим», дедилар бир куни устози.

У ҳар куни ўз устида ишлар экан, юқоридаги сузлар доимо ёдида туради, шунинг учун ҳар вақт янгилик ахтаради. Унинг хоразмча, покстонча, тожикча ва бошқа ундан зиёд рақслари Дилбар опанинг муносиб таҳсинига сазовор бўлди. Устоз олқиши кичик раққосани янги-янги ижод сари илҳомлантиради.

СУРАТДА: Д. Исмоилова.
Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ҚАЛАМЧАЛАР ГУЛГА АЙЛАНАР

Дарслар тугаши билан бир нечта бола истироҳат боғига келишди.

— Йул бўлсин, шоввозлар? — уларни қарши олди бош агроном Қозоқбой ака.

— Сизларга кўмакка келдик, — жавоб беришди ёш табиатсеварлар. Қозоқбой ака уларга ўз вазифаларини белгилаб берди.

Шу куни болалар янгитдан ажратилган 50 сотихли ерга гул қаламчалари экдилар. Бу гуллар баҳорда минг-минг қалбларга шодлик улашади.

Т. СУЛАЙМОНОВ.
Наманган шаҳри.

Республика ўқувчилар саройининг 60 йиллиги олдида

«УЧЧАЛА ҚИЗ ЧИҚДИ АРИҚ БЎЙИГА»

«Уччала қиз чиқди ариқ бўйига,

Бири лола, бири сумбул,
Бири гул».

Ия, биз тўқиш тўғарагининг иши билан танишамиз десак, кўшиқ тўғарагига кириб қолибмиз, шекилли. Йўқ, адашмабмиз. Бу хонада қизлар тўқишнинг ҳар бир элементини кунт билан ўрганишаётган экан. Лекин нега кўшиқ куйлашапти?

— Саройимизда ҳар бир тўғарақларга беш дақиқадан танаффус берилади. Мана шу вақтда болажонларимиз чарчаб қолмасликлари мақсадида мусиқа раҳбаримиз Собит ака Асқаров бошчилигида кўшиқ айтишади, — дейди саволимизга жавобан Саройнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор уринбосари Гулзода опа Пулатова.

Дид билан, чиройли қилиб нимча тўқиётган, кўшиқ куйлашда завқ билан опаларига жўр бўлаётган 82-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Камола Валиева тўғарақ ҳақида кўп яхши фикрлар билдирди:

— Бошимдаги қалпогимни кўраёпсизми? Буни опаларим тўқишган, — деди Камола бошига ишора қилиб. Аввалига мен ҳам тўқишни ўрганишим шартми, деб уйладим. Бир кун опаларим билан қўшилишиб тўғарақка келдим. Саройда мен тенги қизлар жуда кўп экан. Уларнинг тўқиётганини кўриб ҳавасим келиб кетди...

Бу уччала опа-сингилларнинг бўш вақtlари асосан, тўғарақда ўтади. Устозлари — халқ маорифи аълочиси Умида опа Турғунова 15 йилдирки, қизларга тўқиш санъатининг ўнг-сўли-ю, орқа-олдиси борми, барча томонларини ўргатиш билан завқ оладилар. Қизлар орасида бемалол буюртмалар асосида тўқийдиганлари ҳам бор. Масалан, 59-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Зиёда Аминова, 22-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Гулноза Саидахмедова қаби

қизлар ишидан буюртмачилар мамнун бўлишяпти. Зеро, халқимизда «Хунар ўрганиш учун ҳам хунар керак», деган нақл бежиз айтилмаган.

БАЛАНДРОК УЧСИН, ДЕЙМАН

Эшигига «Ракетасозлик тўғараги» деб ёзилган хонанинг эшиги қия очик. Ичкари жим-жит. Худди ҳеч ким йўққа ўхшайди. Аммо назар ташласангиз, тўғарақда иш қайнайди. Болалар ўз моделлари устида ишлашапти.

— Алишер ака, мана қаранг, охири формуласини топдим. Энди мотори ҳам юради.

Хонанинг тўридан келаёт-



ган овоз тўғарақ раҳбари Алишер ака Усмоновнинг диққатини тортди.

— Ҳа, яхши, энди старт беришга бўлади.

Машгулот аъзоларининг барчаси янги моделнинг парвозини ҳавас билан томоша қилишди...

Ушбу ҳаваскор ракетачилар Республика ўқувчилар саройи ракетасозлик тўғарагининг фаол аъзоларидир. Азамат Музаффаров, Акмал Файзиев қаби болалар устозлари, тўғарақ раҳбари Алишер ака Усмоновдан ракета, самолёт моделлари яшашнинг сир-асорларини ўрганишяпти. Натижалар ёмон эмас. Ўтган йили болалар шу соҳа бўйича ўтказилган шаҳар мусобақаларида биринчи, республика биринчилигида эса иккинчи ўринга мушарраф бўлишди.

Тўғарақнинг энг кенжа аъзоси, 299-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Гайрат Алих-

жаевнинг берилиб ўз модели устида ишлаши диққатимизни тортди:

— Ясаган ракетамиз асосан тоза ва енгил бўлиши шарт, —

дейди ўзи ясаган ракетани кўрсатиб Гайрат. — Агар у оғир бўлса яхши учолмайди-да. Мен эса ракетамни баландроқ учсин, дейман.

ТАСВИРИМДА— БОЛАЛИГИМ БЕГУБОРЛИГИМ

— Ўқиган, уққан, ўрганган кишининг йўриқлари тўғри, ишлари режали бўлади, — дейди Ҳамидулла ака Исоқжонов. Ҳамидулла ака болаларга сабоқ берар эканлар, устозларидан олган насихатларини уларга ҳам такрорлайдилар. Болалик чоғларини Республика ўқувчилар саройида айнан мана шу наққошлиқ тўғарагида ўтказган Ҳамидулла ака бугунги кунга келиб халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон мусаввирлар уюшмаси аъзоси, шу билан бирга айнан мана шу наққошлиқ тўғарагига раҳбарлик қилляптилар. Вилоятлардан тасвирий ва амалий санъат бўлими раҳбарлари Саройга келиб Ҳамидулла аканинг иш услубларидан ўрганишади. Ҳозирги кунда уларнинг шоғирдлари ҳам тўғарақ ишларини олиб боришмоқда. Ҳамидулла ака эса ёш издошларининг энг доно маслаҳатгўйи.

Болалар орасида Рустам Мирсоатов ўтган йили бўлиб ўтган иқтидорли болалар слётида биринчи ўринни олди. Ҳар йили бўладиган «Осиё халқиси» куриктанловида тўғарақ аъзолари яшашган нақшинкор курсилар, эсдалик совгаларининг намойиши бўлди.

Яқинда бўлган «Устозлар изидан» мавзусидаги кечада ёш наққошлар моҳир мусаввирлар Алишер Мирзаев, Илҳом Жабборов билан учрашдилар. Мусаввирлар болаларнинг қилаётган ишларига юксак баҳо бериб, ўзларининг иш услублари билан ўртоқлашдилар.

Юбилей арафасида таниқли мусаввир Самиг Абдуллоев билан «Тасвиримда — болалигим, бегуборлигим» мавзусидаги учрашувни ёш наққошлар интизорлик билан кутишяпти.

Тўғарақ аъзоларининг етук санъаткорлар билан ўзаро ижодий алоқалари бунёдкор ва санъаткор халқимиз юрагига етиб борадиган унга завқ-шавқ бағишлайдиган такрорланмас асарлар яратишларига имкон яратса ажабмас.

Феруза ОДИЛОВА.

Суратларда: 1. Уч опа-сингил — Матлуба, Марғуба, Камола Валиева. 2. Наққошлиқ тўғарагининг раҳбари Ҳамидулла ака Исоқжонов болалар томонидан ишланган нақшинкор курсиларни кўздан кечиришяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



Ф СП-1

Ўзбекистон Алоқа Вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
" ТОНГ ЮЛДУЗИ " 64563
 (нашр номи) (нашр курсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сомни

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта курсаткичи)

(манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РўЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64563

п.в.	жойи

(нашр курсаткичи)

" ТОНГ ЮЛДУЗИ "
 (нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна
янги ман- зилга			сомни
юбориш	баҳоси	сўм	

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта курсаткичи)

(манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



**«МУРУВВАТ»НИНГ
 БУЛБУЛИ**

йил булибди. Андижондаги 2511-автокорхона ҳайдовчиси Исомиддин ака Жураев углининг қушиқчи булиб етишиши учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Избоскан туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Авазбек Жураев мактабда ташкил этилган «Мурувват» ансамблининг энг фаол аъзоси. У машҳур қушиқчилар Олмаҳон Ҳайитов, Маъмуржон Узоқов, Шедек учиб бораркан, беихтиёр раи Жураевни узига устоз санаб, улар йулида қуйлайди. Шунинг учун мактабдошларига «Мурувват»нинг булбули деб аташади уни.

Еш хонанда узининг тиришчилик ва қобилияти билан уч марта иқтидорли болаларнинг республика танловида иштирок этди ва мукофотли уринларни олди.

Авазбекнинг дadasи — Исомиддин аканинг касби шофёрлик. Избосканнинг тузал қишлоқлари, сулим, баҳаво далалари бўйлаб равон йулдан елдек учиб бораркан, беихтиёр куйлаб юборади. Авазбек булса дарсдан буш вақтларида деразадан ташқарига қараганча қушиқ тинглашни яхши куйлади.

Ана шундай кунларнинг бирида уғил ота ҳонишига жур булди. Уни эшитган Исомиддин ака машинасини секинлатиб, йул четига тухтатди. Фарзандини биринчи бор кураётгандай унга бир оз термулди, сунг: «Яшавор азамат, узим сени албатта қушиқчи қиламан», дея севиниб, яна йулда давом этди.

СУРАТДА: Исомиддин ака Жураев ўз ўғли қушигини берилиб тингламоқда, чунки фарзанд қушиқларининг дастлабки ҳаками отаси-да.

Мана, шу воқеага ҳам беш Р. АЛБЕКОВ олган сураат.

Ижодкор ёш техниклар

УЛАР МОДЕЛЬ ЯСАЁТГАНДА...

«Баъзи болалар ўқиш қолиб, уларини савдога уриб кетишди», «Баъзи болалар пул ишлаш илинжида йулларда машиналар ойнасини артиб, автомобиллар ҳаракатига ҳалақит беришяпти».

Бу гаплар айтилаётганда сирдарелик Илҳомжон бир соатда бир ярим килограмм жунни йигириб берадиган электрон урчуқ ясар, қаршилик Шоҳаббосжон бўлса пойга самолёти модели устида бош қотирар, самарқандлик Шерзоджон эса «Броневик» классидagi машина моделининг эшикларини урнагарди.

Ким билсин, келажакда улардан ватанимиз қудратига қудрат қушувчи самолётеоз, машинаси, асбосоз етишиб чиқар. Аммо ҳозирча улар ўқувчи. Қуйидаги лавҳаларимиз эса шу ҳусусида.

**ЁВ ТУТМАС, ЎҚ ЎТМАС
 МАШИНАМ**

Баъзан уни ҳаёл олиб қочади. Мен яратган машина чегараларда хизмат қилса, қурганда ҳар қандай ёмон ниятли одамнинг ҳам ҳафсаласи пир булиб, «Э, унга бас келиб буларканми, ахир самарқандлик ўзбек йигити Шерзод Мавлонов



яратган-ку!» деса.

Кулидаги машина моделига термулиб ана шундай ширин ҳаёллар сураётган Шерзодни устозининг овози ҳушёр тортирди.

— Яқинда Тошкентта жунаймиз, — давом этди устоз. — Сен республика ижодкор болалари беллашувида иштирок этасан.

Самарқанд вилоят ёш ижодкор техниклар маркази қатнашчиси, шаҳардаги 19-мактаб ўқувчиси Шерзод Мавлонов узининг техникага ҳаваси, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги туфайли урчуқлари ва устозлари меҳрини қозонган. Шу туфайли ҳам яқинда пойтахтда булиб утган ижодкор болалар беллашувида узининг «Броневик» деб номланган машинаси билан қатнашиб, 2-уринни олди.

ОРЗУЛАРИ — САМОНИ ҚУЧИШ

Самолёт жуда пастлаб учди. Унинг гулдурас овози деразалар ойналарини зириллатиб юборди. Бундан ранги-қути учган она ҳовли уртасида турган икки ёшли гудакни тоғурганча келиб бағрига босди. Онаизор-да, ёлдам қурқиб кетмасин, деб ҳалак. Аммо, она беҳуда хавотир олганди. Гудак аксинча, гулдурас товушлардан завқланиб, қулчаларини бир-бирига урганича осмонга алангларди.

Орадан неча йиллар утса ҳамки, уша гудак — Шоҳаббосни осмондаги пулат қушига булган муҳаббати сунмади. «Бир кунни учувчи булади», дейишарди қариндошлар у ҳақда.

Самарқанд шаҳридаги 26-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ш. Шаропов ҳамон самолёт ишқибози. Шу сабабдан ҳам у вилоят ижодкор болалар ва усмирлар марказида фаол қатнашади. «Авиамодель» тугарагида унга Бобомурод ака Қодиров устозлик қилмоқда. Яқинда вилоятда пойгачи авиамоделлар мусобақаси булиб утди. Унда Шоҳаббоснинг «Ф-11» русумли модели мукофотли уринлардан бирини эгаллади.

БУВИ УРЧУҚ ЙИГИРАДИ

«Буви тинмай урчуқ йигирарди, унинг ажинлар билан қошланган қуллари тобора ҳолсилланиб бориб, ниҳоят тухтади». Уқийет-



ган китобидagi ушбу манзара Илҳомжоннинг юрагини эзиб юборди. Унинг кекса бувига раҳми келарди. Қани энди у ана шунақа, эртақдаги бувиларга ухшаганларга ердан қулини чузолса. «Э, ҳозир урчуқ қолибдим, ҳамма нарса автоматлашиб кетган. Ҳеч ким қийналиб утирмайди, эртақдагига ухшаб», узини тинчлантирди бола, «Шопма, шопма, нега булмас экан, албатта бор, алови Шаҳрихондаги Саломат опа: «Куй юнгидан ил йигирайман, девди», бирдан эслаб қолди у.

Эртасига бу ҳақда тугарак раҳбари Фахриддин ака Норқуловга айтди. Сирдаре тумани ёш ижодкор техниклар маркази қатнашчиси Илҳом Эргашев ва унинг устози бирга ишга киришипти. Орадан кун утмай электр урчуқ тайёр булди. Синовдан ҳам утди. Илҳомжон ясаган ускуна соатига бир ярим килограмм куй юнгини ил қилиб берарди. «Қани бувижонлар, сизга ил керакми, дарров йигириб бераман», дейди у.

Турсуной ҲАМИД қизи.
 Сураатлар Р. АЛБЕКОВНИКИ.

**БАРМОҚЛАРИМ
 СУЗАДИ ГҮЁ...**

Бир синфдошимиз саргарошга шогирд тушган, ҳар кун дарсдан сунг устаси ёнига ошиқади. Яна бир бола заргарликка меҳр қуйган. У фақат тақинчоқлар ясашигина эмас, турли-туман уйинчоқлар ясашни ҳам урганиб олди. Ясаб келган уйинчоқларини бизларга курсатади-да, кимга маъқул бўлса, ушанга совға қилади. Бундай болаларга жуда-жуда ҳавасим келади.

Куча-қуйда турли ширинликлару ситареталар сотиб утирган, ё булмаса дарслар тугар-тугамас киногами, видео томоша қилишгами, денди уйнашгами ошиқаётган тенгдошларимни курсам, уйланиб қолам. Наҳотки уларнинг буш вақтлари шунчалик сероб булса?! Бизда эса буш вақтнинг узи йуқ ҳисоби, Мен 7-синфда, синглим Зубайда 5-синфда, укам Исқандар эса 1-синфда ўқиймиз. Ҳафтанинг 4-куниди санъат мактабига қатнаймиз, дутор чалишдан сабоқ оляпмиз. Хивамизни эртақлар шаҳри, дейишади. Фурсат топиб, укаларим билан тез-тез музейларни томоша қилишга бориб тураимиз. Яна, китоб ўқишни яхши кураимиз. Ҳатто, кичик укам Исқандар ҳам ҳарфларни диҳжаллаб ўқишга ни-ўқиган. Гоҳида «Оша ўқиб беринг», деб китобини қутариб келиб қолади. Мен эртақ ўқийвераман, у қикир-қикир кулаверарди. Сизларга айтсам, барчамизда китобга булган меҳрни ойинжоним уйготташлар. Узлари шаҳримиздаги қарвон саройининг китоб булимида ишлайдилар, уқимаган китоблари ҳам қолмаган бўлса керак. Назаримда мен ва мен каби тенгдошларимнинг буш вақтларини қандай тақсимлашларига купроқ оналаримиз сабабчи булишса керак. Уқинларимиз, баҳоларимиз билан бирга муסיқа мактабиди олаётган сабоқларимизни ҳам назорат қилиб борадилар. Бирон бир янги куй урганиб келса, биздан ҳам купроқ ойим севинадилар. Ҳозиргача «Баҳор», «Қойилман», «Тоғ устида» қуйларини урганиб олдиқ. Биз балки келгусида таниқли санъаткор бўлолмасмиз, лекин оиламиз, дугоналаримиз даврасида дутор чертиб, файз киритишнинг узи бир бахт-ку, ахир! Ҳар бир куйни чалганимда яхши бир шеър, диқоя ўқигандек ҳузур қиламан. Ҳаёлларим узоқ-узоқларга учади, қулларим дуторим тори узра сузади, гую. Куй кетидан куй чалиб, ҳечам чарчамайман. Қалбим ажиб ҳислар билан тулиб-тошади.

**Динора ХУДОЙБЕРГАНОВА,
 Хоразм вилояти, Хива шаҳри.**

Эртанги кун эгалари

ДАРДИНГИЗНИ
БИЗГА АЙТИНГ

Бурижарлик табиб Мелибой ака ҳовлига кириб, қизик бир воқеа устидан чиқди.

Кичик набираси Комила кузларини боғлаб олганича опаси Камолага алланарсалар ҳақида гапирар, опаси эса унинг сузларини «ҳа, ҳа» деб тасдиқларди. Қизчаларнинг олдида эса қуритиб тайёрланган доривор гиёҳлар ёйилиб турарди. Бу ҳолга қизиққан табиб уларни бир оз кузатди.

— Қани, билагон сингил-

қуритиш, ҳатто дори тайёрлашда ҳам боболарига энг яқин кумакдош. Мактабда бўлса, устозлари, мактабдошларининг қаерлари оғриб, безовта қилса дарров ёрдамга боришади. «Дардингизни бизга айтинг, дарров ёрдам берамиз», кулиб дейишади «бемор»ларига.

Қизалоқларнинг боболари ҳақида гап кетгудек бўлса, «Энг камтар, энг меҳрибон, малҳамижон инсон» дейишади унинг ҳузурда булганлар. Ҳа-



жон, айтинг-чи, мана бу қандай гиёҳ?

— У сингилсига илдиз тутқазди.

Комила уйлаб қолди, кейин кузлари билан чамалаб, сийпалади.

— Майли, кузингдагини сеча қол, — ен бергандек гапирди Камола.

Комила кузидаги боғични счдию, кулиб юборди:

— Вой, чучукмия-ку, рус тилида «Солодка» дейилади. Республикамизда унинг уч тури учрайди. Асосан илдизи нафас йуулари шамоллашида, йутал, уткир ва сурункали гастритлар, захарланганда, нафас қишида, экземада, пешоб ҳайдовчи дори сифатида тавсия этилади. Унка ва томоққа фойда қилади, овозни тозалайди, чанқоқни босади, баргидан тайёрланган бутқа оёқ терлашига қарши қулланилади. Энди тайёрлаш усули...

— Етади, тухта, баракалла узимнинг шогирдим! — хурсандлигини яшира олмай Комилани мақтади табиб.

— Бобожон, бунингиз эликта усимликнинг нималарга дори эканлигини тухтамай айтиб беради, уқитувчиларимиз ҳам шу ҳақда гапирешаяпти, — фахрланиб деди Камола.

Таниқли табиб Мелибой ака Дадамухамедов набираларини бекорга «шогирдим», деб атамади. Чунки қизлар Тошкентдаги 138-мактабнинг 6-ва 7-синфларида ўқинса-да, энг севимли машгулотлари — уз ҳовлиларида етиштирилган юз турдан зиёд доривор усимликлар парваришидир. Қизчалар гиёҳларни экиндан бошлаб йигиш,

қиқатан ҳам Мелибой аканинг асосий нияти, мақсади одамлардан пул ишлаш эмас, беморлар дардига малҳам булиш. Ана шундан у куч-қудрат, лаззат олади. Чунки бундан йигирма-йигирма беш йиллар муқаддам уз бошидан оғир бир касалликни кечирган, яшаш ва ҳаётга муҳаббат бу инсонни дард билан курашишга ундаган. Ун йилдан ортиқроқ вақтини доривор гиёҳлар, уларнинг нимага шифо эканлигини урганли билан утказди.

Кунларнинг бирида уларнинг оиласига иморат қуриш учун ер берилди. Мелибой ака Бурижар ёнидаги ташландиқ жойни чиқиндилардан тозалаб, текислаб, угитлаб, ноёб усимликларни экиб етиштира бошлади.

Аста-секин урганган билимлари асосида аввалига узи, бола-чақалари, сунг қариндош-уруғлар, узоқ-яқин, таниш-билишларни даволай бошлади.

«Яхши хабарнинг қаноти булади» деганларидек, ҳозир Мелибой табибнинг қулидан шифо толувчилар сони тобора ортиб, доврўғи ёйилиб бормоқда. Мабодо сиз, ен газетхонларда ҳам табиб бобо ва унинг билимдон набира—шогирдлари билан танишинг эки уларга мактуб йуллаб, саволлар бериш нияти тугилиб қолса, манзилларини маълум қиламиз: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бадриддин Хилолий 3-тор куча, Дадамирзаева Камола ва Комила.

Т. СОЛИЕВА.

СУРАТДА: қизлар иш вақтида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сураат.

— ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ —

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини бехато тўлғазишга ҳаракат қилинг!
Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдирди.

БИЛИМ
БАХТГА
ЕТАКЛАР

— Нималарни ўйлаясан, қизалоғим, жуда хаёл суриб қолдинг?

— Хат ёзмоқчиман, ойижон, эртақ қахрамони Зумрадга хат. Феруза опам ким энг яхши мактуб ёзса, ўшанга «аъло» қўярканлар.


Маҳфуза опа анчадан кейин қизининг нималар ҳақида ёзганини билишга қизиқди. Фарзандининг ҳар бир сўзи онанинг қизиқишини оширар, қувончига

қувонч қўшарди. Айниқса, унга: «Зумрад, агар китоб ўқисанг, яъни билим эгалласанг жуда яхши бўларди. Чунки билим бахтга етаклайди. Мен сенинг бахтли бўлишингни истайман. Биламан, ишларинг жуда кўп, лекин сендек ақлли, тадбиркор қиз бунинг ҳам албатта иложини топади, мен бунга ишонаман!» деган сўзлари жуда ёқди.

— Ўзимнинг аълочи, ижодкор қизимдан ўргилай, — деди қизалоғини қучиб.

Ақлли, меҳнатсевар, ҳақиқий дўст, дугона Муқаддас Холмирзаева Сирғали туманидаги 284-мактабнинг 1-«Е» синфида ўқийди. Айни кунларда унинг дарсдан бўш вақтларида ҳам севган машгулоту — китоб ўқиб, устозларидан олган билимларини янада мустаҳкамлаш.

Нилуфар ДАВИДОВА.
Сураатда: Муқаддас Холмирзаева.

ШОҲИРЛИК
МАШҲУҚИ

Азиз болалар! Жавобларни белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзинг.

1. Марказий Америкадаги давлат номи билан аталувчи канал. 2. Қимматбахо буюмлар яшашда қўлланладиган Ҳиндистон ва Африка филлари тиши. 4. Рабиндранат Тагорнинг «Ҳалокат» романи қахрамони. 5. Йирик шеърли асар. Жавобларни тўғри топган бўлсангиз, шакл марказидаги «3» рақами атрофида XII—XIII асрларда яшаган форс-тожик мутафаккир шоири Фаридиддин Атторнинг ахлоқий-таълимий мазмундаги асари номини ўқишингиз мумкин.

Ф. ОРИПОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г 0505. 11.000 нускада босилди. Қўғоз бичими — А-3. Босишга тошириш вақти 19.00 Тоширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилми: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25

